



**ФУНДАМЕНТАЛ ВА
КЛИНИК ТИББИЁТ
АХБОРОТНОМАСИ**

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

2026, №2 (22)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

**ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК
ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ И
КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по фундаментальным и клиническим
проблемам медицины
основан в 2022 году

Бухарским государственным медицинским институтом
имени Абу Али ибн Сино
выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ш.Ж. ТЕШАЕВ

Редакционная коллегия:

*С.С. Давлатов (зам. главного редактора),
Р.Р. Баймурадов (ответственный секретарь),
М.М. Амонов, Г.Ж. Жарилкасинова,
А.Ш. Иноятов, Д.А. Хасанова, Е.А. Харибова,
Ш.Т. Уроков, Б.З. Хамдамов, Ф.К. Халлоқов*

*Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт имени Абу Али ибн Сино*

2026, № 2 (22)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 200100, г.
Бухара, ул. Гиждуванская, 23.

Телефон (99865) 223-00-50

Факс (99866) 223-00-50

Сайт <https://bsmi.uz/journals/fundamental-ya-klinik-tibbiyot-ahborotnomasi/>

e-mail baymuradovravshan@gmail.com

О журнале

*Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Бухарской области
№ 1640 от 28 мая 2022 года.*

*Журнал внесен в список
утвержденный приказом № 370/б
от 8 мая 2025 года реестром ВАК
в раздел медицинских наук.*

Отпечатано в типографии ООО
“Шарк-Бухоро”. г. Бухара,
ул. Узбекистон Мустакиллиги, 70/2.

Редакционный совет:

Абдурахманов Д.Ш.	(Самарканд)
Абдурахманов М.М.	(Бухара)
Ахмедов Р.М.	(Бухара)
Баландина И.А.	(Россия)
Бахронов Ж.Ж.	(Бухара)
Бернс С.А.	(Россия)
Газиев К.У.	(Бухара)
Деев Р.В.	(Россия)
Дустова Н.К.	(Бухара)
Зокирова Н.Б.	(Ташкент)
Казакова Н.Н.	(Бухара)
Калашникова С.А.	(Россия)
Каримова Н.Н.	(Бухара)
Курбонов С.С.	(Таджикистан)
Маматов С.М.	(Кыргызстан)
Мамедов У.С.	(Бухара)
Мирзоева М.Р.	(Бухара)
Миршарапов У.М.	(Ташкент)
Набиева У.П.	(Ташкент)
Нуралиев Н.А.	(Хорезм)
Наврұзов Р.Р.	(Бухара)
Нарзиева Д.Ф.	(Бухара)
Орипов Ф.С.	(Самарканд)
Орипова Ф.Ш.	(Бухара)
Одилова Г.Р.	(Бухара)
Очилов К.Р.	(Бухара)
Раупов Ф.С.	(Бухара)
Рахмонов К.Э.	(Самарканд)
Рахметов Н.Р.	(Казахстан)
Рахматова С.Н.	(Бухара)
Султонова Л.Дж.	(Бухара)
Сайдуллаев З.Я.	(Самарканд)
Удочкина Л.А.	(Россия)
Файзиев Х.Б.	(Бухара)
Хамдамова М.Т.	(Бухара)
Хамдамов И.Б.	(Бухара)
Ходжаева Д.Т.	(Бухара)
Худойбердиев Д.К.	(Бухара)
Шодиева М.С.	(Бухара)
Эшонов О.Ш.	(Бухара)

БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМДА СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЙИЧА ОИЛАВИЙ ШИФОКОРЛАРНИНГ КАСБИЙ ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Рахимова Х.М.¹, Валиева М.Х.²

¹Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд ш., Ўзбекистон

²Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент ш., Ўзбекистон

Резюме. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) аҳоли ўртасида юқори касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари билан тавсифланадиган долзарб тиббий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу касалликни самарали назорат қилишда бирламчи тиббий ёрдам бўғинида фаолият юритаётган оилавий шифокорларнинг хабардорлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада Самарқанд шаҳри 3-сон оилавий поликлиникасида фаолият юритаётган оилавий шифокорларнинг бирламчи бўғинида сурункали юрак етишмовчилиги бўйича билим даражасини баҳолаш мақсад қилинган. Тадқиқот жараёнида СЮЕнинг клиник белгилари, диагностика ва даволаш тамойиллари, шунингдек, беморларни кузатиб бориш тактикаси бўйича оилавий шифокорларнинг хабардорлиги таҳлил қилинди. Олинган натижалар бирламчи тиббий ёрдамда сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларни бошқариш сифатини ошириш учун оилавий шифокорларнинг касбий тайёргарлигини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: сурункали юрак етишмовчилиги, бирламчи тиббий ёрдам, оилавий шифокор, хабардорлик даражаси, беморларни бошқариш.

ANALYSIS OF THE LEVEL OF PROFESSIONAL AWARENESS OF FAMILY DOCTORS ON CHRONIC HEART FAILURE IN PRIMARY MEDICAL CARE

Rakhimova Kh.M.¹, Valiyeva M.Kh.²

¹Samarkand State Medical University, Samarkand, Uzbekistan

²Center for the Development of Professional Qualification of Medical Workers, Tashkent, Uzbekistan

Resume. Chronic heart failure (CHF) is one of the most pressing medical problems characterized by high morbidity and mortality rates among the population. The level of awareness of family doctors working in the primary healthcare system plays an important role in the effective management of this disease. This article aims to assess the knowledge level of primary care family doctors working at Family Polyclinic No. 3 in Samarkand regarding chronic heart failure. In the course of the study, the awareness of family doctors on the clinical manifestations of CHF, the principles of diagnosis and treatment, as well as the tactics of patient monitoring, was analyzed. The obtained results indicate the need to strengthen the professional training of family doctors to improve the quality of management of patients with chronic heart failure in primary health care.

Keywords: chronic heart failure, primary health care, family doctor, awareness level, patient management.

АНАЛИЗ УРОВНЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОСВЕДОМЛЕННОСТИ СЕМЕЙНЫХ ВРАЧЕЙ ПО ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ В ПЕРВИЧНОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ

Рахимова Х.М.¹, Валиева М.Х.²

¹Самаркандский государственный медицинский университет, г. Самарканд, Узбекистан

²Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников, г. Ташкент, Узбекистан

Резюме. Хроническая сердечная недостаточность (ХСН) является одной из актуальных медицинских проблем, характеризующейся высокими показателями заболеваемости и смертности среди населения. Уровень осведомленности семейных врачей, работающих в звене первичной медицинской помощи, имеет важное значение для эффективного контроля этого заболевания. Целью данной статьи является оценка уровня знаний семейных врачей, работающих в семейной поликлинике № 3 города Самарканда, о хронической сердечной недостаточности в первичном звене. В ходе исследования была проанализирована осведомленность семейных врачей о клинических признаках, принципах диагностики и лечения ХСН, а также тактике ведения пациентов. Полученные результаты свидетельствуют о необходимости усиления профессиональной подготовки семейных врачей для повыше-

ния качества ведения пациентов с хронической сердечной недостаточностью в первичной медицинской помощи.

Ключевые слова: хроническая сердечная недостаточность, первичная медицинская помощь, семейный врач, уровень осведомленности, ведение пациентов.

Мавзунинг долзарблиги: Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) юрак-қон томир касалликлари орасида юқори касалланиш, тез-тез шифохонага ётқизилиш ва ўлим кўрсаткичлари билан ажралиб турадиган долзарб тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Аҳолининг қариш тенденцияси, артериал гипертензия ва ишемик юрак касалликларининг кенг тарқалиши сурункали юрак етишмовчилигининг янада ортишига олиб келмоқда.

Сурункали юрак етишмовчилигини эрта аниқлаш, самарали даволаш ва узлуксиз назорат қилишда бирламчи тиббий ёрдам бўғинида фаолият юритаётган оилавий шифокорларнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ амалиётда оилавий шифокорларнинг ушбу патология бўйича билим ва амалий кўникмаларининг етарли эмаслиги касалликнинг кеч аниқланиши, асоратларнинг кўпайиши ва беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Шу боис, бирламчи бўғинда сурункали юрак етишмовчилиги бўйича оилавий шифокорларнинг хабардорлик даражасини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бирламчи тиббий ёрдам бўғинида сурункали юрак етишмовчилиги бўйича оилавий шифокорларнинг хабардорлик даражасини баҳолаш ҳамда олинган натижалар асосида беморларни бошқариш сифатини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

Материаллар ва текшириш усуллари: тадқиқот ишлари 2024–2025 йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги 3-сонли оилавий поликлиникада олиб борилди. Тадқиқотга 20 нафар оилавий шифокор жалб этилди. Иштирокчиларнинг ёшлари 27 дан 60 ёшгача бўлиб, жинс таркиби бўйича 12 нафар аёл (60%) ва 8 нафар эркак (40%) иштирок этди.

Тадқиқотнинг асосий материали сифатида оилавий шифокорларнинг СЮЕ (систематик юрак етишмовчилиги) бўйича хабардорлик ва билим даражасини баҳолашга қаратилган сўровнома маълумотлари хизмат қилди. Сўровнома қатор муҳим аспектларни ўз ичига олди: клиник белгилари, диагностика мезонлари, даволаш принциплари ҳамда беморларнинг ҳолатини диспансер кузатуви орқали назорат қилиш масалалари.

Маълумотларни таҳлил қилишда Microsoft Excel дастури қўлланилди. Ҳисоб-китоблар ва статистик таҳлил асосан фоиз кўрсаткичлари орқали амалга оширилди. Бу усул тадқиқот натижаларини тизимли ва аниқ баён қилиш имконини берди ҳамда оилавий шифокорлар орасида СЮЕ бўйича билим ва амалий кўникмалар даражасини визуал тарзда таққослашга имкон яратди.

Шунингдек, сўровнома натижаларини таҳлил қилишда иштирокчиларнинг ёш ва жинс таркиби каби демографик параметрлар ҳам инобатга олинди, бу эса оилавий шифокорларнинг касбий хабардорлик даражасини турли ёш гуруҳлари ва жинс бўйича солиштириш имконини берди.


Умуман олганда, ушбу усул тадқиқотнинг илмий асосланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги учун кафолат ҳосил қилди ҳамда оилавий шифокорлар орасида СЮЕ бўйича хабардорлик ва билим даражасини объектив баҳолаш имконини берди.

Натижалар: Сўровнома натижалари кўрсатганидек, оилавий шифокорларнинг СЮЕ (систематик юрак етишмовчилиги) белгиларини аниқлаш ва уларни аниқлаш бўйича билим даражаси ўртача қондирувчи даражада эканлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, баъзи клиник жиҳатлар ва касалликнинг конкрет симптомлари бўйича шифокорларнинг билимлари етарли эмаслиги аниқланди.

Диагностика усуллари ва даволаш принципларини тўлиқ тушуниш даражаси ҳам жуда ҳамда ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, ўтказилган сўровнома иштирокчиларининг фақат 60% шифокорларида бу билим тўлиқлиги кузатилди. Шу билан бирга, диспансер кузатуви ва беморларнинг ҳолатини давомий равишда назорат қилиш бўйича амалий кўникмалар фақат 45% иштирокчида тўлиқ шакланганлиги қайд этилди.

Сўров натижаларига кўра, оилавий шифокорлар орасида хабардорлик ва билим даражасининг етарли эмаслиги асосан замонавий клиник йўриқномалар ва қўлланмалар билан тўлиқ танишмасликдан келиб чиқиши аниқланди. Бу эса касалликларни ўз вақтида тўғри таъхис қилиш ва самарали даволаш имкониятларини чеклайди, шунингдек диспансер кузатуви ва профилактик чора-тадбирларни самарали олиб боришни кийинлаштиради.

Умуман олганда, натижалар оилавий шифокорларнинг СЮЕ диагностикаси ва даволашида билимларни янада мустаҳкамлаш ва замонавий клиник йўриқномалар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.



1-расм. Тўлиқ билим/кўникмаларга эга бўлган иштирокчилар фоизи (%)

Хулоса. Бирламчи тиббий ёрдамда фаолият юритаётган оилавий шифокорлар орасида СЮЕ бўйича хабардорлик даражаси ўртача эканлиги аниқланди. Сўровнома ва амалиёт натижалари шундан далолат бердики, шифокорлар диагностика усуллари ва даволаш принципларини тўлиқ тушунишда чекланган билимга эга бўлиб, диспансер кузатуви ва беморларнинг ҳолатини давомий равишда назорат қилиш бўйича амалий кўникмалар ҳам фақат қисман шаклланган. Бу ҳолат касалликни эрта аниқлаш, самарали даволаш ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш қобилиятини сезиларли даражада чеклайди. Шу боисдан, оилавий шифокорларнинг СЮЕ бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса куйидагиларни ўз ичига олади: - замонавий клиник йўриқномалар ва қўлланмалар билан мунтазам танишиш ва улардан самарали фойдаланиш; - диагностика усуллари ва даволаш принципларини амалий машқлар орқали мустаҳкамлаш; - диспансер кузатуви ва беморларнинг ҳолатини мониторинг қилиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш. Шу чора-тадбирлар СЮЕни ўз вақтида аниқлаш ва самарали бошқариш, асоратларини камайтириш hamda беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, оилавий шифокорларнинг касбий малакасини ошириш бутун тиббиёт тизимида профилактика ва касалликларнинг эрта даволаниши самарадорлигини ҳам яхшилайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Braunwald E. Heart Failure: A Companion to Braunwald's Heart Disease. – Philadelphia: Elsevier, 2020. – 512 p.
2. McDonagh T.A., Metra M., Adamo M. et al. 2021 ESC Guidelines for the diagnosis and treatment of acute and chronic heart failure // European Heart Journal. – 2021. – Vol. 42. – P. 3599–3726.
3. Ponikowski P., Voors A.A., Anker S.D. et al. ESC Guidelines for the diagnosis and treatment of acute and chronic heart failure // European Heart Journal. – 2016. – Vol. 37. – P. 2129–2200.
4. Yancy C.W., Jessup M., Bozkurt B. et al. 2017 ACC/AHA/HFSA focused update of the guideline for the management of heart failure // Journal of the American College of Cardiology. – 2017. – Vol. 70, №6. – P. 776–803.
5. Сулайманова Н. Э., Рахимова Х. М. Оценка качества предоставляемых медицинских услуг по профилактике осложнений сердечно-сосудистых заболеваний //Journal of cardiorespiratory research. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 100-103.
6. Сулайманова Н. Э., Рахимова Х. М. Ахоли уртасида ПЕН протоколлари асосида 2 турдаги кандли диабетни назорат қилиш сифатини яхшилаш //Проблемы биологии и медицины. – 2022. – Т. 4. – №. 137. – С. 160-163.
7. Х.М.Рахимова, М.Х.Валиева. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларни оилавий поликлиника шароитида олиб бориш. Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси журнали. 11 (5), 33-40 б.
8. Амиров Н.Б., Каримов И.З. Сурункали юрак етишмовчилиги: диагностика ва даволашнинг замонавий ёндашувлари. – Тошкент: Тиббиёт нашриёти, 2021. – 240 б.
9. Мирзаев Ф.М., Абдуллаев Ш.Р. Бирламчи тиббий ёрдамда юрак-қон томир касалликларини бошқариш. - Самарқанд, 2020. - 198 б.
10. World Health Organization. Cardiovascular diseases (CVDs): Fact sheet. – Geneva, 2023..

Иқтибос учун: Рахимова Х.М., Валиева М.Х. Бирламчи тиббий ёрдамда сурункали юрак етишмовчилиги бўйича оилавий шифокорларнинг касбий хабардорлик даражасини таҳлил қилиш // Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси. – 2026. – № 2(22). – Б. 149–151. doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.18538544>